

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Кредит-иқтисод” факультети
декани О.Саттаров _____
“ ____ ” _____ 2013 й.

“БАНК ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

ШАМСИЕВ ШЕРАЛИ МУРОД ЎҒЛИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА ИНВЕСТИЦОН МУХИТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ**

**5340700 – “Банк иши” таълим
йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Банк ҳисоби ва аудит”

кафедраси мудири

_____ и.ф.н.проф. Т.М. Қоралиев

“ ____ ” _____ 2013 й.

Илмий раҳбар:

_____ доц.Мухамеджанов К.

« ____ » _____ 2013 й.

ТОШКЕНТ - 2013

Мундарижа

Кириш	3
I БОБ: Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ва фаолиятни ташкил этиш назарияси.	
1.1 Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.....	9
1.2 Ўзбекистон Республикасининг инвестицион сиёсати ва унинг устувор йўналишлари.....	18
1.3 Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастури ва дастур мониторинги.....	29
II БОБ: Республикамизда инвестицион муҳитни ривожлантириш амалиёти.	
2.1 Ўзбекистон Республикасида қулай инвестицион шароитни шакллантиришда банклар томонидан амалга оширилаётган ишлар.....	38
2.2 Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий инвестициялар учун яратилган имтиёзлар.....	45
2.3 Хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш, инвестицион жозибадорлик тушунчаси.....	53
III БОБ: Республикамизда самарали инвестиция сиёсатини юритиш йўналишлари.	
3.1 Инвестиция сиёсатида тижорат банкларнинг ролини ошириш масалалари.....	62
3.2 Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари.....	66
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар	77

“Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурилиш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади”

Ислом Каримов

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқсодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимизнинг олдига қўйган асосий мақсади иқтисодий ўсишга эришишдир. Иқтисодий ўсишга эришишнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, бу усулларни мамлакат ўз иқтисодий сиёсатида белгилаб қўяди. Ана шу усуллардан бири бу сармояларни мамлакат иқтисодиётига жалп этишни кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш ва оқилona инвестицион сиёсатни амалга оширишдир. Инвестицион сиёсат иқтисодиётнинг асосий соҳаларидан бўлгани учун бугун биз бу соҳани ривожлантиришни давлат аҳамиятидаги муҳим масала эканлигини эътибордан четга қолдирмаслигимиз керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислохотлар олиб борилмоқда. Айнан оқилona танланган ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсати бугунда барча жабхаларда ижобий кўрсаткичларни таъминламоқда. Буни биргина ортида қолган давр мисолида кўришимиз мумкин. “2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур”¹. Бундай ислохотларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, Давлатнинг инвестицион сиёсати,

¹—И.Каримов 2012 йил мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари, 2013 мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси.

унинг устувор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ.

Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилиши ва эришилаётган самарали натижалар ҳукуматимиз олиб бораётган оқилона инвестиция сиёсатининг натижасидир. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида хилма-хил фикрлар мавжуд. Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рикслар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади. Албатта хорижий сармоялар мамлакат иқтисодтётида етакчи кўрсаткичлардан биридир. Чунки халқаро ҳамкорлик ишлаб чиқаришга ўзининг катта ижобий хиссасини қўшади, халқаро бозорга интеграциялашувни тезлаштиради ва мустахкамлайди. Шу билан бирга ишлаб чиқаришни ошиши, ҳалол рақобатни вужудга келтиради ва маҳсулотлар сифати яхшиланади, ўз ўрнида бу экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўяди.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқот ишини ёритишдаги асосий мақсад, Республикамиз иқтисодиётини кўзда тутган ҳолда, орттирилган тажрибаларга таяниб мамлакат инвестиция сиёсатини ва йўналишларини ўрганиш инвестициялаш жараёнини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ушбу жараёнда юзага келадиган муаммоларнинг амалий ечимларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, инвестициялаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдир. Инвестицияларини турли молиявий ташкилотлар маблағлари орқали молиялаштириш жараёнларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдир

“Ҳақиқатдан ҳам мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз ривожига 100 миллиард доллардан кўпроқ инвестиция хусусан 25

миллиард доллардан зиёд хорижий сармоялар жалб етилгани иқтисодиётимизда улкан таркибий ва ижобий ўзгаришларга эришганимиз шу жумладан бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 43 фоизни ташкил этаётгани аввало ўзимизга мамнуният етказиши ўзгаларни эса хайратта қолдириши табиий ҳолдир”². XXI асрга келиб ҳеч бир ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини халқаро инвестициялар, сармоялар, халқаро кредитлар ва иқтисодий интеграциялашув жараёнисиз тасаввур қилиш қийин. Экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ бўлган турдош корхоналар фаолиятида юзага келадиган иқтисодий муаммолар бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни юзага келтиради.

Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати ва унинг устувор йўналишлари, хорижий сармояларни жалп қилиш жараёни, мамлакатимизнинг инвестициявий мухити, тижорат банкларининг инвестициявий кредитлаш жараёнлари ҳисобланади. Тадқиқот объекти сифатида инвестициялардан оқилона фойдаланиш ҳамда самарадорлигини ошириш механизмини, инвестициялаш жараёнини такомиллаштириш ва уни истиқболлари танлаб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги қайта тахрирдаги қонунида инвестицияга қуйидагича таъриф берилган: “Инвестиция – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар” сифатида таърифланади. Шундай қилиб, «Инвестиция» деганда келгуси дадаромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш

² - И.Каримов Ватанимиз ва халкимизга садоқат билан хизмат қилиш–олий саодатдир. ЎзЛидеп курултойидаги марузаси. 2007й Халқ сўзи.Т:1-б

мақсадида қонун доирасида иқтисодиётнинг турли тармоғлари ва бошқа соҳаларига инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги мулккий, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади. Бошқача айтганда, инвестициялар-мулкчиликнинг ҳар хил кўринишларидаги моддий, молиявий ва номоддий бойликларни иқтисодий-ижтимоий даромад олиш мақсадида муомалага киритишдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади бозор ислохотлари кўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, модернизация жараёнларини жадаллаштириш ва иқтисодий тармоқлари рақобатдошлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чораларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади. Зеро, мазкур вазифалар жорий йил якунларига кўра иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари ривожланишининг барқарор динамикасини сақлашга, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва 2013 йилда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига еришишга хизмат қилади. Айнан оқилона инвестицион сиёсат олиб борилгандагина мамлакатга кириб келувчи капитал оқимлари, инвестиция каналлари кенгайишига асос бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида инвестиция эса мамлакатни иқтисодий ривожланиши, гуллаб яшнаши, савдо соҳасини ўсишига ёрдамлашувчи дастак бўлади. Бу мавзунинг долзарблиги ўлароқ шуни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкинки, бугунги кунда айнан хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали Ўзбекистон дунёдаги автомобил ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатлар қаторида туради. Мамлакатдаги барча инфратузилмалар етарли даражада ривожланган ҳолда айнан инвестицион сиёсат инвесторлар диққатини тортувчи омил ва этиборга молик нуқта ҳисобланади.

Ғарб адабиётларида инвестициялар борасида сўз юритилганда асосий эътибор фонд бозорига қаратилади, чунки ривожланган мамлакатларда инвестициялар асосан қимматли қоғозлар ёрдамида амалга оширилади. Мулкчиликнинг турли шаклларининг вужудга келиши муносабати билан

капиталнинг соҳалардаги ўзгарувчанлиги, унинг оқими, ҳудудларга тақсимланиши тезлашди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди. Албатта бу борада мамлакатнинг ички иқтисодиётида банкларнинг ўрни ҳам жуда катта. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банкларнинг инвестиция фаолиятининг хусусиятлари, унинг ташкилий-иқтисодий масалалари иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилган бўлишига қарамадан, тижорат банкларининг иинвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб мавзу ҳисобланади. Иқтисодиётнинг локомотиви дея ном олган банкларнинг инвестицион кредитлаш билан тармоқлар фаолиятини молтялаш жабҳасидаги ҳаракатлари ўз самарасини бермасдан қолмайди. Албатта, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида халқаро бозорда инвестицияларни кенг қўламда энг фойдали тарзда жойлаштириш, янги мижозларни жалб қилиш соҳасидаги рақобат кураши кучаяди. Соғлом рақобат курашида фаол қатнашиш учун тижорат банклари ўз фаолиятларини такомиллаштириши, шу жумладан, халқаро бозорда фаол инвестиция сиёсатини олиб боришлари лозим. Инвестиция фаолияти тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш, муайян даромад олиш, банк ликвидлигини таъминлашда муҳим рўл ўйнайди.

Инвестициялар замонавий иқтисодиётда ниҳоятда муҳим рол ўйнайди, чунки инвестициялар бўш молиявий ресурсларга эга бўлган бозор субъектлари учун фойда олиш мақсадида жамғармани самарали жойлаштириш, иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш, аҳолини ишсиз қатламларини ушбу тармоқ корхоналарининг иш билан таъминлаш ҳамда шу орқали аҳоли фаровонлигига эришишга ёрдам беради. Иқтисодий фаннинг барча тарихи,

жамоат ривожланишнинг оптимал йўллари излаш билан боғланган бўлган. Фан тафаккурининг мазкур йўналиши концентрация қилинган ҳолда, иқтисодий тизимлар ўзгаришининг мавжуд бўлган асосий омилларини ўрганувчи сифатида, иқтисодий ўсиш назарияси тақдим этилган. Инвестициялар - тадқиқотчилар диққатини энг кўп ўзига жалб этувчи, доминанд ривожланиш омилларига, бирламчиларга киради. Уларнинг таҳлили - иқтисодий ўсиш назариясининг асосий аспектларидан бири, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи, ушбу характерловчи инвестициялар, ҳар-хил иқтисодий тизимлар ва умумий қонуниятлар учун ишлаб-чиқариш инвестициялаш инвариант механизмлар тўғрисидаги хулосаларга таянади.

Мавзуни назарий амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистонда инвестицияларни жалп қилиш, улардан самарали фойдаланиш борасида бир қатор йутуқларга эришилаётгани каби бази бир тегишли камчиликлар ҳам мавжуд ва улар ҳамон долзарб муаммолигича қолмоқда, яъни ҳали ечилмаган муаммолар йўқ эмас. Бу муаммоларни атрофлича ўрганиб, ўз тавсияларимиз орқали ечим топишга ҳаракат қиламиз. Юқорида қайд этилганларга мувофиқ, республика инвестиция фаолиятини илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий иши кириш қисми, учта боб хулоса ва таклифлар шунингдек фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ: Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ва фаолиятни ташкил этиш назарияси

1.1 Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари

Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши, тадбиркорлик ва ишбилармонликни йўлга қўйилиши, жаҳон иқтисодий алоқаларини тараққий этиши, қўшма корхоналарни иқтисодиётни барқарорлаштиришда ролини ортиши инвестиция фаолиятини тўла ташкил этиш учун зарур бўлган имкониятларни яратади. Мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши, ўз навбатида тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл капиталининг кириб келиши инвестиция фаолиятини ташкил этиш йўналишларини ҳам аниқлаб беради.

«**Инвестиция**» лотин тилидаги «инвест» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағларни сафарбар этиш», «капитал қўйилмаси» маъносини беради, яни иқтисодиёт тармоғига фойда олиш мақсадида сармоя кирғазиш.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунда инвестиция фаолиятига шундай тариф берилган :

Инвестиция фаолияти — инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи.

Инвестиция фаолияти иштирокчиси—инвесторнинг буюртмаларни бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминловчи инвестиция фаолияти субъекти.

Бозор шароитида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш жисмоний, ҳуқуқий шахсларни ва давлатни фойда олиш мақсадида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа фаолиятларини қайтадан тиклашга қаратилган. Бу борадаги асосий мақсад оқилона инвестиция сиёсатини ташкил этиб иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш, уни барқарорлаштириш, дунё бозорига кириб бориш, жаҳон хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан кредитлар эвазига муомалага қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмларчиқариш ҳисобига олиб борилади. Чет эллик инвесторлар асосан келгусида даромад олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлари сармоя ёки инвестиция дейилади. Маблағ киритилган сохани кутилган самарани бериши, ривожланиши ва шу орқали фойда келтириши эса ўз навбатида олиб бориладиган инвестиция сиёсатига ҳам боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси қонун нормативларига кўра чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- Давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- Чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- Чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Ўзбекистон Республикасида инвестицион сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Адлия Вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги қабул қилувчи қонунлари, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлари, бошқа қонун ҳужжатлари ва нормативлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим ўрин тутди. Хорижий инвесторларнинг самарали фаолият кўрсатиши кафолатларини таъминлаш, хорижий молиявий ва бошқа ресурсларни, замонавий чет эл технологияси ва бошқарув тажрибасини жалб қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш мақсадида, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, шунингдек, унинг жаҳон тизимида интеграциялашувига кўмаклашиш учун 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистондаги инвестицион тақлифларни тайёрлаш ва амалга оширишда хорижий инвесторлар ва маҳаллий ҳамкорларга амалий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 21 августдаги фармони билан ноҳукумат ташкилот мақомига эга бўлган хорижий инвестициялар буйича Агентлик ташкил этилди. Вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳон андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди.

Хозирги кунда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг иқтисодиётимиздаги ролини ошириш буйича бир қанча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар амал қилмоқда. Уларнинг асосийлари:

- «Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида» ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора–тадбирлари тўғрисида» ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й 9 февралдаги «Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ;

Инвеститсия муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши Ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади. Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солинишининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш.
- 2) Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш.
- 3) Нормалар, қоидалар, стандартларни белгилаш.
- 4) Монополияга қарши чораларни қўллаш.
- 5) Кредит сиёсати ва нарх сиёсатини ўтказишга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш, уларни тасарруф этиш ҳамда улардан фойдаланиш шартларини белгилаш.

6) Инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини ва истиқболларини белгилаш.

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳукукий асослари ва тартибини белгилаб беради. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари эса чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашиш, чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишдан иборат. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан –тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида 2007 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007 –2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора–тадбирлари тўғрисида” ги қарори эълон қилинди.

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Қонуннинг 5 моддасида Чет эл инвестицияларини амалга ошириш шаклларига батафсил таъриф берилган. 7-моддада эса чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари аниқ белгилаб кўйилган. Унга кўра чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин. Қонуннинг 10-моддасида Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган. Унга кура “инвесторлар: инвестициялашни амалга оширишнинг хажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаши, фаолиятни амалга ошириш учун хоҳлаган юридик ва жисмоний шахслар

билан шартномалар тузиши, инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиши, органлар томонидан етказилган зарарларни ундириш ҳуқуқига эгадирлар”³. Албатта бу қонунлар Ўзбекистон Республикасида амалдаги инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи асосий мезон вазифасини бажариб беради. Шу билан бирга инвестициялаш жараёнида бугунги кунда асосий иштирокчилардан ҳисобланган банклар ҳам юқоридаги мезонларга асосланган ҳолатда Марказий Банк, Адлия Вазирлиги ва бошқа тегишли давлат органлари томонидан қабул қилинган нормативларга асосланиб иш кўради. Жумладан банкларда айнан инвестициялаш жараёнига тегишли фаолиятни самарали олиб борилишини таъминловчи низом, меъёрлар тузиб чиқилган ва такомиллаштирилиб борилаётган. Албатта бу борада ҳукумат томонидан ҳам банкларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокига катта эътибор қаратилмоқда ва тегишли қарорлар қабул қилиняпти. Бу фикрларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2009 йил ПҚ-1166 сонли қарори қабул қилинган “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор тижорат банкларни инвестиция соҳасидаги ҳаракатларини фаоллаштиришга қаратиб қўйилган навбатдаги қадам бўлди. Ўзбекистонда инвестицион сиёсатни чуқурлаштириш тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс

³ -Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора – тадбирлари тўғрисида» ги қонуни; 30.04.1998 й.2006-йил ўзгартиришлар киритилган. 611-И-сон қонуни

базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи банкларнинг таркибий бўлинмалари сезиларли равишда ўзгартирилди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди.

Ўз навбатида мукаммал тузилишга ега бўлган ҳуқуқий база ва тўғри назарий асосланган инвестицион сиёсат ўз самарасини беради. Фақат нафақат ҳуқуқий шу билан бирга инвестиция сиёсати самарали иқтисодий назарияга ҳам асосланган бўлмоғи лозим. Иқтисодий ўсиш назариясига тадқиқотчи бўлган ДЖ.М.Кейнс ўзининг сезиларли улушини қўшган. У тизимнинг ривожланиш ўзгариши инвестицияларга боғлиқ бўлган ички регуляторлар номланиши билан белгиланган, унга кўра “уларнинг таъсирчанлик кучи, жамоат бошқаруви қўлида тақсимлаш ҳуқуқи бўлган ҳолда белгиланади”^{*4}.

Инвестицияларни назарий асослари иқтисод фанида кўп қиррали фаолият сифатида ўрганилиб, турлича талқин қилинади. Иқтисодий категория сифатида инвестицияларни В.Г.Золотогоров қуйидагича таърифлаган “Инвестициялар тузилмасида асосан пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, улушлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар ва асбоб-ускуналар, лицензиялар, жумладан товар белгиларига, кредитларга, ҳар қандай бошқа мулк ёки мулк ҳуқуқларга, интеллектуал бойликлар, фойда (даромад) олиш ҳамда ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва фаолиятни бошқа турлари объектларига қўйиладиган маблағлар тушунилади”^{*5}. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти

⁴ - Н.Е.Егоров, А.М.Смулов Предприятия и банки. – М.: “Дело”. 2002. 298-299-стр

⁵ - В.Г.Золотогоров. Инвестиционное проектирование: Учеб. пос. – Мн.: ИП “Экоперспектива”, 1998. – 11 стр.

тўғрисида”ги қонунида йўналтириш объектига кўра инвестициялар куйидагиларга бўлинади:

- капитал (реал активлар);
- инновация (техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш);
- ижтимоий (инсон салоҳиятини, кўникмаларни, ишлаб чиқариш тажрибасини ривожлантириш, номоддий бойликларни бошқа шакллариغا).

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим қонунларнинг ёки меъёрий ҳужжатларнинг тўлақонли бўлмаслиги ҳам инвестиция муҳитига салбий таъсир этади. Бундай камчиликларнинг бўлиши инвесторнинг ўз истиқболини белгилаш, кўйилманинг фойдалилик даражасини аниқлаш борасидаги қобилиятини камайтиради. Шунинг учун ҳам инвестицион ҳуқуқий база мукамал ҳолатда бўлиши керак ва шу билан бирга мамлакатга инвестицион оқимлар кириб келишини фаоллаштиришга хизмат қилиши керак.

Инвестицион фаолликни ошириш бўйича қабул қилинган дастурлар:

- “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” (ПҚ-1442, 15.12.2010й.)
- “2011-2013 йиллар учун маҳаллийлаштириш дастури” (ПҚ-1590, 29.07.2011й.)
- Ҳукумат томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Давлат Инвестиция дастури.
- Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда уй-жойларнинг қурилиши дастури.
- Ҳудудларни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш дастурлари.

Юқорида келтириб ўтилган барча мезонлар мамлакатимизда инвестициялаш фаолиятини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб

хизмат қилади. Хорижий инвестор учун бундай омиллар жуда ҳам муҳимдир. Зеро инвестор ўз сармояси орқали нафақат фойда олади балки мамлакатдаги иқтисодий муҳитни яхшилашга ўзининг ижобий хиссасини қўшади. Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

- ❖ Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;
- ❖ чет эллик инвесторларга тўлиққарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;
- ❖ мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссияқилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;
- ❖ интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;
- ❖ концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;
- ❖ савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

- ❖ Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион сиёсатига асосан чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланади. Бунда режим Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйилган режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас. Шунингдек чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг тегишли режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида иқтисодиёт ва фаолиятнинг муайян соҳаларида чет эл инвестициялари учун чеклашлар ёки тақиқ назарда тутилган бўлиши мумкин.

1.2 Ўзбекистон Республикасининг инвестицион сиёсати ва унинг устувор йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2009 йилнинг асосий қарорлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз –таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш” номли маърузасида—«Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган

навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат»⁶ - деб таъкидлади.

Иқтисодиёт назариясидан бизга маълумки, иқтисодиётнинг ўсиши жамғариш даражасига боғлиқ бўлади. Жамғарилган маблағ эса бу инвестиция манбаидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий даромаднинг катта қисми мамлакат аҳолисининг турмуш шароитини маълум даражада сақлаб туришга ва уларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг ўсиши учун йўналтирадиган маблағларнинг ҳажмини камайтиради. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бир йилда 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ялпи ички маҳсулот (ЯИМ-ялпи ички маҳсулот)нинг камида 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизни ташкил этиши керак⁷. Бугунги кунда чет эл капиталини миллий иқтисодиётга киритишда бевосита хорижий инвестицияларни экспортни ошиш сиёсати, мамлакатдан ташқарида рақобатни кучайтришга олиб келади, бу эса уз навбатида фаол инвестиция фаолиятига ва оқилона инвестицион сиёсатга ундайди Замонавий молия назариясида инвестициялар бугунги кунда маълум бўлган қийматни келгусида номаълум бўлиши мумкин қийматга алмашиш демакдир⁸.

Инвестиция сиёсати – бу иқтисодиётнинг устивор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устивор инвестицион лойиҳаларни қўллаб қувватлашга қаратилган механизм,

⁶ - Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президентимиз И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якуналари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2010 йил 30 январ.

⁷ - Д.Ғ.Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари – Тошкент: “Молия” нашриёти 2003 й. – Б. 32-33.

⁸ - А.В Мертенс. Инвестиции: Курс лекций по современной финансовой теории – К.: Киевское инвестиционное агентство, 1997. – 41 с.

услуглар йиғиндиси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устиворлик кичик бизнес субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар тузишга қаратилган.

Ўтган йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалп қилинган жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунингдек уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизацияқилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Республика Президенти И.А. Каримовнинг «Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади»⁹ – деган кўрсатмалари муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Йилдан йилга мамлакатимиз ҳудудига инвестицияларни кириб келиш ҳажмини ошишини инвестиция фаолиятидаги сиёсатнинг самараси деб баҳолаш мумкин. Инвестицион сиёсатни амалга оширишда, инвестиция самарадорлигини таъминлашда ишлаб чиқилган инвестиция механизмларидан қай даражада фойдаланиш ва зарур тармоқларга йўналтириш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон инвестиция сиёсатини асосий йўналиши инвестиция иштирокидаги ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва бошқа тижорат объектларида асосий воситалар, узоқ муддатли активларни ривожлантириш, корхона ишлаб чиқариш салаҳиятини ва самарадорлигини ошириш ва ички бозорни химоя қилишдан иборат. Инвестиция сиёсатини юритиш усули ва йўналиши бу Республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минералхом-ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан Республиканинг айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва

⁹ - И.Каримов Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т: «Ўзбекистон», 1993 йил. 16-17-бетлар.

стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир –бири билан ўзаро боғланган чора – табдирлар комплекси.

Мустақилликка эришилгандан бошлаб, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг ахамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиланишлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Шу жihatдан бугунги кунда Ўзбекистон ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати.¹⁰

Тузилмавий инвестиция сиёсати ҳудудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир. Ҳудудлар инвестиция сиёсати инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи ҳудудда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуи. Тармоқ инвестиция сиёсати эса бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб қуватлаш ҳисобланади. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш,

¹⁰ -Д.Ғ.Ғоziбеков, Э.Носиров. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. -Т: “иқтисод-молия”.2007й, 92 б.

аҳолининг истеъмол товарлари, иш жойларга бўлган талабини қисқа вақт ичида юқори даражада таъминлашга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларга амал қилмоқда:

- -эскирган ишлаб чиқаришларни секин аста муомаладан чиқариб ташлаш;
- -махаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш;
- -тўлов қобилиятига эга бўлган ва талабга мос ҳолда ишлаб чиқариш тузилмаларини яратиш;
- -ишлаб чиқариш ресурсларидан ва илмий-техника салоҳиятидан имкон қадар юқори даражада фойдаланишни таъминлаш;
- -мамлакатнинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни кучайтириш;
- -самарали, рақобатга асосланган ишлаб чиқаришлар, бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишини уйғунлаштириш;
- -иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш ва янги тармоқларни барпо этиш;
- -ҳудудлар ижтимоий инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.

Тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб боришда муҳим стратегиялар ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг моҳияти кичик иқтисодий субъектлар ривожланишини қўллаб қувватлашдан иборат. Мазкур ишларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, инвестиция муҳитини жуда қулайлиги хорижий инвесторлар узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини тузишда асос бўлмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг негизи тинчлик, мустақиллик, ҳамкорлик принциплари асосида қурилганлиги ҳам инвестиция сиёсатини асосини ташкил этувчи ва белгиловчи омиллардандир. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилишига иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига бирлашувини жадаллаштиришга кенг йўл очилди. Миллий Иқтисодни жаҳон иқтисодига бирлашувини энг қулай йўлларида бири чет эл

инвестицияларидан фойдаланишдир. Мустақилликнинг қисқа даврида инвестицион фаолиятни ошириш, уни кучайтириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар ўтказилди, инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари чиқарилди ва ҳаётга тадбиқ қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг устивор йўналишлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестициялар, улар ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилар муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик–ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- иқтисодий туб ислохатларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юрғазиш;
- инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш функцияларини янада такомиллаштириш.

Ўзбекистон Бозор иқтисодиётига ўтишда ўзининг инвестицион сиёсатини олиб борар экан бу жараён ҳам бир неча босқичларни ўз ичига олганини кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ривожланиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олади ¹¹: 1-босқич 1991-1994 йиллар, 2-босқич: 1995-2003 йиллар; 3-босқич: 2003 йилдан -ҳозирги даврагача.

1-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- урли мулкчилик шакллари яратиш борасидаги инвестицион жараён номарказлаштириш тадбирлар амалга оширила бошланди;

¹¹ - А. Узоқов., Э .Носиров, Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод – молия», 2006 й. 380 бет

- хусусий молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган ижтимоий аҳамият касб этувчи объектларни бюджетдан молиялаштириш сақлаб қолинди;
- хусусий мулкчиликни жорий этиш тадбирлари олиб борилди.

2-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилди;
- танлов асосида лойихаларни молиялаштиришга ўтилди; иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритилиши кучайтирилди;
- инвестицион лойихаларни амалга оширишда турли молиялаштириш манбалари қўлланила бошланди.

3-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва режалаштирилган;

- валюта муносабатлари ва операциялари либерализациялаштирилмоқда;
- хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини ҳимоялаш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда;
- корхоналарнинг техник қуроллантирилиши кучайтирилмоқда;
- экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини қопловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойихаларни молиялаштиришга устиворлик берилмоқда.

Инвестиция сиёсатининг бош мақсади - иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш, корхоналар ва компанияларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш, замонавий қуроллантириш, номарказлашган инвестициялашга концентрациялаштириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишдир. Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун маъсул бўлган давлат ташкилоти бу Молия вазирлигидир. Молия вазирлиги мамлакатга кириб келувчи сармояларни жалп қилади ва назорат қилиб боради.



2-расм. Инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари¹²

Ўз навбатида давлат бюджетидан таминот олувчи корхоналар сонини ҳам камайтириш учун маъсул орган ҳам ҳисобланади. Бу борада олиб борилаётган сиёсатда давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқариши инобатга олинмоқда ва инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароит яратиши мумкинлиги ҳам эътиборга олинмоқда. Албатта хорижий инвестициялар ёрдамида нафақат шу каби камчиликларни бартараф етиш, балки иқтисодиётимиз олдидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш мумкинлигини ҳам англаб етиш мумкин.

Глобаллашиш кучайиши туфайли бутун дунё бўйлаб қисқа муддатларда капитал, ишлаб чиқариш, товарлар, интеллектуал салоҳият, меҳнат ресурслари, ахборотлар ва бошқаларнинг кўчиш жараёни жадаллашади. Шунинг учун ҳам, инвестиция сиёсатини юритишда бу вазиятларни ҳисобга олиш зарур бўлади.

Амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини тўғри йўлга қўйилганини кириб келаётган сармоялар ҳажмини йилдан йилга ошиб бораётганидан ҳам кўришимиз мумкин. Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда

¹² Т.Дадабоев “Хорижий инвестиция” Иқтисодиёт- Т. 2004й

14 фоизга ўсган. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Инвестиция сиёсатини тўғри йўлга қўйилганини Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлади.

1-жадвал.

Ўзбекистонда 2000-2012 йилларда инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби.¹³ 31.12.2012 ҳолатида (% да)

Кўрсаткичлар	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2012
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ички	76,7	78,3	81,5	75,5	70,0	67,6	70,9	78,3
Ташқи	23,3	21,7	18,5	24,5	30,0	32,4	29,1	21,7
шу жумладан:								
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	3,4	14,9	13,4	20,6	24,9	27,8	25,3	17,2
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	19,9	6,8	5,1	3,9	5,1	4,6	3,8	4,5

Маълумки инвестицион лойиҳалар ҳам бир неча манбалар томонидан молиялаштирилади (1-жадвал). Амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини тўғрилигини ва самарасини йиллар давомида инвестицияларни молиялаштириш манбалари орасида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар улушини 3,4% дан 17,2% га ошганида ҳам кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда иқтисодий инқироз шароитида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда давлатнинг рўли жуда катта эканлигини таъкидлаш лозим. Буни жалб қилинаётган инвестициялар, хорижий инвестицияларга давлатнинг аралашуви ва кафолати, тармоқлар бўйича инвестицияларни жойлаштириш каби масалаларда давлатнинг рўли муҳим эканлигини кўриш мумкин. Чунки давлат мамлакатнинг бугунги кундаги иқтисодий ҳолати ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда енг аввало зарур

¹³ “Суверен қарзлар инқирози” шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг халқаро ҳаракати- и.ф.д., проф. А.В. Вахабов -ТМИ халқаро конференциядаги марузаси 29 май

соҳа ва тармоқлар ривожини учун сармоя йўналтиришга интилади. Ўзбекистон бу сиёсати борасида ҳам ўзига хослик томонлари бор.

Ўзбекистон амалга ошираётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари орасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноатни ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинadиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодийнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга қаратилган, валютада ўзини-ўзи қоплашни таъминлайдиган инвестицияларга кўмаклашиш;
- мамлакатнинг кредит қобилиятини, Ўзбекистоннинг биринчи даражали қарз оловчи мамлакат сифатидаги обрў-эътиборини қўллаб-қувватлаш;
- мамлакатнинг айрим минтақаларида ижтимоий ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларга ёрдам бериш.

Ижтимоий муносабатлари соҳаларига боғлиқ ҳолда ва уни сиёсий таъсир кўрсатувчи объекти деб қараганимизда иқтисодий ва ижтимоий, маданий ёки ташқи сиёсатлар тўғрисида фикр юритамиз. Амалда инвестициялар жамғарманинг ҳақиқий маълум бўлган қийматини келгусида кутилаётган ёки келажакда номаълум бўлиши мумкин қийматига алмаштиришидан иборат. Замонавий молия назариясида инвестициялар бугунги кунда маълум бўлган қийматни келгусида номаълум бўлиши мумкин қийматга алмашиш демакдир¹⁴. Халқаро амалиётда ҳам мамлакатлар иқтисодийга жалб қилинган сармояларнинг қийматида ўсиш бўлсада, йиллар давомида нотеңис тенденциясини кўриш мумкин.

¹⁴ А.В. Мертенс "Инвестиции": Курс лекций по современной финансовой теории – К.: Киевское инвестиционное агентство, 1997. – 41 с.

**МДХ мамлакатлари иқтисодийётида асосий капиталга киритилган
инвестицияларни ўтган йилгига нисбати.¹⁵**

№	Номи	Йил нисбати (%да)		
		2010	2011	2012
1	Азарбайжон	121.2	127.3	127.4
2	Армения	96.7	88.5	98.0
3	Беларусь	116.6	113.3	87.2
4	Қозоқистон	99.5	102.4	103.3
5	Қирғизистон	90.2	93.4	109.1
6	Молдова	116.7	111.3	99.3
7	Россия	106.0	106.2	107.2
8	Тожикистон	111.5	105.0	74.0
9	Ўзбекистон	109.2	107.9	109.8
10	Украина	97.1	121.2	117.0

Жадвалда Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич мунтазам бир текис ҳолда ўсишини ва халқаро ўртача кўрсаткичлардан пасаймаганини кўзатиш мумкин. Бу кўрсаткич 2011 йилда ўтган йилга нисбатан 7,9 %ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 9,8 %ни ташкил этди.

Чет эл инвестициялари ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи молиялаштиришнинг зарурий ва муҳим манбаи бўлгани ҳолда, ўзи билан бирга, жуда кўп пайкаладиган ва сезилмайдиган активлар, турли туман технологик, ахборот, молия оқимларини, менежмент малакаларини, жаҳон бозорларидаги иш тажрибаларини ва бошқаларни олиб киради. Уларга мамлакатлараро ҳаракатланиш, яъни кўчиб юриш, фаолият юритишнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини алмаштириш, қўшимча рисклар билан тўқнашиш ва аниқ мақсадлар хос. Демак, чет эл инвестициялари миграциясини миллий инвестиция сиёсатини олиб боришда ва уларни амалга оширишда албатта ҳисобга олишга тўғри келади. Уларни жалб қилиш импортёр мамлакат бюджетига солиқ, ижара ва бошқа тушумларни кўпайтиради. Улар янги иш ўринларини ташкил қилишга, рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш, жаҳон бозорларида ўрнашиб олишга ёрдам беради.

1.3 Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастури ва дастур мониторинги.

Хорижий сармояни кенг жалб қилиш асосан таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга, иқтисодий соҳани мустаҳкам моддий-техника базасини яратишга, мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган. Иқтисодий ўсиш

¹⁵ – МДН статистика қўмитаси “СНГ-статком.Ру” малумотлари асосида муаллиф тузган

тенденсиясини доимий жахон иқтисодиёти кўрсаткичларига мувофиқ бўлишини тامينлашда макроиқтисодий кўрсаткичларни доимий ўсиш даражасини таъминлаш лозим. Бунинг учун муҳим тармоқларни ривожлантириш, йирик инвестицион лойхаларни молиялаштириш керак бўлади. Ўта йирик хажмдаги лойхалар доимо давлат стратегик аҳамиятига эга бўлади ва уларни молиялаш борасида алоҳида инвестицион ёндошув талаб қилинади. Бу борада эса қилинажак ишларни, лойхаларни олдиндан ишлаб чиқиш ва алоҳида белгилаб олиш ўзига хос дастур талаб қилади. Айнан мана шу дастур лойихаси бўйича олиб борилувчи инвестицион фаолият эса самарали бўлади.


- **Инвестиция дастури** – бу Республика иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга эришиш, табиий, минерал хомашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан Республиканинг айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир - бири билан ўзаро боғланган чора – тадбирлар комплекси. Инвестиция дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради.

Хар бир молия йили учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан республиканинг инвестиция дастури ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Унда ҳукуматнинг қафолати остида хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига инвестицион лойхаларнинг аниқ мўлжалланган дастури алоҳида ифодаб берилади. Инвестиция дастурида лойиханинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиши ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж, молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштириб боради. Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора - тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларини юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукаммал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш ва уни кредитлаш ишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган тартибда асосан амалга оширилади. Унга мувофиқ инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган капитал қуйилмалар лимитлар доирасида қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади.

Худди кредитлаштиришда бўлгани каби инвестиция дастурида ҳам ўзининг ўзининг еталлон вазифасини бажарувчи асосини белгиловчи тамойиллари мавжуд. Айнан шу тамойиллар асосида давлатнинг инвестицион дастури ишлаб чиқилади ва асосий йўналишлари белгилаб олинади.





3-расм. Ўзбекистон инвестиция дастурининг тамойиллари¹⁶.

Инвестиция дастурининг аҳамиятини белгилашда унинг инвестицион кулай муҳитни яратиш борасидаги аҳамияти катта. Бу дастурга бўлган эҳтиёж Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мустақилликнинг илк йилларида пайдо бўлган. Эндигина мустақилликка эришган ёш давлат ўша даврдаги иқтисодий ҳолати ва эҳтиёжларига қараб хорижий сармояларни жалп етиш улардан фойдаланиш ва йўналтириш режасини ишлаб чиқади. Шу ҳолда инвестиция сиёсатига ҳамоханг ҳолда йиллар давомида дастур мукаммаллаштирилиб, ривожлантирилиб борилади. Ўзбекистоннинг инвестиция дастури бугунга қадар тўртта ривожланиш босқичидан ўтган. Хар бир босқичда ўзига хос иқтисодий ислохотлар амалга оширилди.

Биринчи босқич (1992–1993йиллар) давлат корхоналарига марказлаштирилган кредитлар ажратиш назарда тутилди, бу эса каттагина бюджет тақчиллигига олиб келди.

Иккинчи босқичда (1994 – 1996 йиллар) ислохотлар сиёсати бюджет қаттиқ молия сиёсати билан ажралиб турди. Миллий валюта муомилага киритилди.

¹⁶ - Ўзбекистон инвестиция дастури маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Учинчи босқич(1997 – 1999 йиллар) савдо ва валюта чеклашларининг кучайиши, солиқ тизимини мустаҳкамлаш, импорт қатъий чеклашларнинг жорий қилиниши билан тавсифланди.

Тўртинчи босқич (1999 йилдан ҳозирги вақтгача) давлат инвестиция дастурини амалга оширишда марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилди.

Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштириб боради. Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади. Хар йилги тузиладиган инвестиция дастури тармоқларни молиялаштириш тақсмотини ўз ичига олади. Ўзбекистон инвестиция дастурида барча йўналишлар борасида ажратилиши мўлжалланган сармоялар ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда.



4-расм. Давлат инвестиция дастурининг устувор йўналишлари.¹⁷

3-жадвал.

**Ўзбекистон инвестиция дастурига мувофиқ ажратилувчи
маблағларни йиллик ўзгариши.¹⁸ (млн сўм)**

¹⁷ - А.Узоқов, Н.Кежаев “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” ўқув қўлланма.Т-2007й 42 бет

¹⁸ – Ўзбекистон инвестиция дастуридан. ЎзМиллий Ахборот Агентлиги сайти маълумотлари асосида тузилган.

№	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари	2011 йил инвестиция дастури	2012 йил инвестиция дастури	2013 йил инвестиция дастури
	Капитал қўйилмалар, жамишундан:	20 721 845	23 679 701	27 123 275
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 696 491	5 740 892	6 691 366
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4	1 300 000
1.2.	Ерларнинг мелориатив ҳолатини яхшилаш фонди	105 000	115 560	131 000
1.3.	Нобюджет фондлар маблағлари шу жумладан:	1 431 777	1 746 745	1 876 750
	- Республика йўл фонди	680 796	834 911	921 572
	- Болалар спортини ривожлантириш фонди	158 147	609 800	218 243
	- Тиббий ва таълим муассасаларини таъмирлаш ва янгилаш фонди.	545 147	139 930	623 500
	- Олий таълим муассасаларининг техник моддий базасини ривожлантириш фонди.	46 997,61	162 104	113 435
1.4.	Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт фонди	1 353 527	1 432 400	1 632 833
1.5.	Давлат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий инвестициялар ва кредитлар (эквивалент в сумах)	1 376 130	1 701 901	1 750 783
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938 809	20 431 910
2.1.	Хусусий корхона ва фирмалар маблағлари имтиёзли солиқлар билан.	7 536 261	6 835 725	8 150 655
2.2.	Тижорат банклари кредит маблағлари шундан:	2 069 185	3 524 824	3 236 108
	- АКБ "Кишлоқ қурилиш банк" нинг намунали лойиҳалар бўйича имтиёзли кредитлари	196 289	4 340 656	426 300
2.3.	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сум эквивалент)	3 835 190	4 340 656	4 563 159
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604	4 481 988

Жадвал маълумотларидан кўриниб шуни кўриш мумкинки жами капитал қўйилмалар 2013йил 2011йилга нисбатан 6401430 млн сўмга ортган. Марказлашмаган инвестициялар эса 4406556 млн сўмга кўпайган.

Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.


Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш ва уни кредитлаш ишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда

хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган тартибга асосан амалга оширилади. Дастурни тузишда мамлакатдаги шарт шaroитлар атрофлича ўрганиб авваламбор бажарилиши керак бўлган биринчи ва иккинчи галдаги вазифалар алдохида белгилаб чиқилади.

Шу аснода кейинги давр учун дастур тузиш жараёни бошланади. Бу даврда ҳар бир жараён маълум муддатни ўз ичига олади. Иқтисодиёт вазирлиги уч йиллик даврга Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритиш учун таклифларни тайёрлашга оид методик кўрсатмаларни тармоқ вазирликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон Республика, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳар йили етказилади. Буюртмачилар лойиҳалар бўйича дастлабки ахборотни тайёрлайди, уларни уч йиллик даврда амалга ошириш учун танлаб оладилар ва таклифларни иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади. Иқтисодиёт Вазирлигида таклифлар кўриб чиқилади ва ўртача муддатли даврда аниқ тармоқни ривожлантириш устуворликларига мувофиқ тармоқларни танлаб оладилар. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, (Давархитектқурилиш) қўмитаси ва ваколатли банклар билан биргаликда инвестиция дастурига киритиладиган лойиҳаларни узил-кесил танлаб олади.

Жумладан, мамлакатимизда 2009-2014 йилларга мўлжалланган “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қурулантириш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоралари” дастури умумий қиймати 42,51 млрд. доллардан иборат 852 та инвестиция лойиҳасини ўз ичига олади.

**2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар
Дастури (иқтисодиёт тармоқлари таркибида, млн долл.)**



**5-расм. 2009-2014 йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳалар
дастури.¹⁹**

2011-2015 йилларда жами инвестиция ҳажми 77,4 миллиард доллар бўлган саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш бўйича қабул қилинган тўртта бир-бири билан ўзаро боғлиқ стратегик дастурнинг амалга оширилиши, банк-молия тизимини ислоҳқилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади ва ялпи ички маҳсулотни 1,5 баробар кўпайтиришни таъминлайди.

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги, республика иқтисодиёти айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан экспортга йўналтирилганлик, иновацион лойиҳалар, модернизация талаблари, маҳаллийлаштиришда қатнашиш ва шу кабилар асосий мезонлар ҳисобланади. Инвестиция дастурида лойиҳанинг қиймати, шунингдек тугалланмаган қурилиш ва уни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж,

¹⁹ - «Ўзинфоинвест» агентлиги-”Uzinfo.uz” маълумотлари асосида тузилган.

молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Инвестиция дастурини ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, шунингдек катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин, масалан ижтимоий аҳамиятга ега бўлган объектлар қуриш ёки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш.

Шу билан бирга дастур амалга оширилиши ва унинг параметр кўрсаткичларини тўлиқ бажарилиши устидан доимий тегишли ваколат органлари томонидан назорат (дастур мониторинги) амалга оширилади. Дастурни амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга ва Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади. Дастурнинг давлат мониторинги:

- - инвестиция лойиҳаларни ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;
- - лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларга (техник-иқтисодий асослар, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар), танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш;
- - амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш;
- - инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдо бўладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш;
- - инвестиция иқлимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

Мониторинг вазирликлар, идоралар томонидан ташаббус кўрсатилган инвестиция лойиҳалари ва таклифлари юзасидан — Вазирлар

Маҳкамасининг тегишли ахборот–таҳлил департаментлари билан биргаликда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимимликлари ҳамда хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналар томонидан ташаббус Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан, хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан хорижий инвестициялар иштирокидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

Мониторинг манфатдор вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этиладиган тезкор ахборотларни, марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш масалалари бўйича ахборотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек мониторингда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этиладиган тасдиқланган режа–жадвалларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлардан ва қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳамда ва муддатларда тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги йиғма статистика ахборотлардан ҳам фойдаланилади.

II-БОБ: Республикамизда инвестицион муҳитни ривожлантириш амалиёти.

2.1. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестицион шароитни шакллантиришда банклар томонидан амалга оширилаётган ишлар.

Президентимиз “Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш борасида энг муҳим вазифалар – банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиш мумкин бўлган инвесторлар, шу жумлажан, хорижий инвестицияларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш каби комплекс чораларни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим” деб таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмас²⁰.


Айнан шу бозор иқтисодиёти тамойилларини амалга ошириш механизмларининг энг кучлисига айланиши керак. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ўзига хослигини акс эттирадиган бозор хўжалигининг самарали модели яратилишида фаол қатнашиб тижорат банклари инвестиция бозорини шакллантиришга ката эътибор берадилар.

Инвестиция кредити – асосий воситаларни қурилиши, модернизацияси, техник ва технологик қайта жихозлаш ҳамда сотиб олиш учун 1 йилдан ортиқ муддатларга ажратиладиган кредитлар тушунилади.

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари биринчи навбатда, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига, базавий тармоқларни модернизациялашга доир йирик стратегик лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодиётнинг юкори баркарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, тижорат банклари келгусида ҳам ўз балансларига олган банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишларида фаол қатнашаверади.

²⁰ - И.Каримов “Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир” - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007й. 43 б.


Мамлакатимиз рахбари томонидан ”2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида”ги дастур имзоланган. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун тижорат банклари хозирнинг ўзиданоқ ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, хомашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик махсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кўламли ишлар олиб бормоқда. Бунинг учун албатта банк молия соҳаси ҳам етарли даражада салоҳиятли бўлмоғи лозим. Катта ҳажмдаги лойиҳаларни инвестициялаш, банкрот ҳолатидаги корхоналарни молиявий кўмак йўли билан оёққа турғозиш учун банклар ҳам мунтазам ўсиш тенденциясига эга ва етарли даражада салоҳиятли бўлиши лозим. Тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларига ва корхоналарга ажратилаётган узоқ муддатли инвестицион кредитлар ҳажми ҳам йил сайин ошиб бормоқда.



6-расм.Инвестициявий кредитлар динамикаси.²¹(млрд сўм)

Йиллар давомидаги банклар томонидан ажратилган инвестицион кредитлар 2011 йил бошида 3252 млрд сўмни ташкил этган бўлса 2012 йил бошига 4444 млрд сўмни жорий йилнинг 1-январ ҳолатига эса 5760 млрд сўмни ташкил этди. Бу ўсиш сурати кейинги йилга 2011 йил кўрсаткичига нисбатан икки баробар кўпкредит ажратилиши имконини беради.

²¹- Бозор пул ва кредит журнали. 2013 йил 01. 18 бет



7-расм.Тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми.²²

Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ажратилган инвестицион кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 млрд сўмга кўпайган. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш бўйича қўрилган мақсадли чоралар туфайли банкларнинг иқтисодий реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш фаолияти янада жадаллашди. Банклар фаолиятида, ўтган йиллардаги каби, инвестиция фаолиятига катта эътибор қаратилди. 2012 йилда иқтисодий реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик.

Шубҳасиз бугунги кунда мамлакатимиз инвестиция сиёсатида банклар ва улар томонидан ажратилувчи кредитлар энг асосий рўллардан бирини

²²- “MTRK.uz” Миллий телерадио компанияси ахборот дастури маълумотлари асосида

ўйнайди. Буни юқоридаги маълумотлардан ҳам англаш мумкин. Боз устига бугунда самарасиз фаолият юритилаётган корхона объектлари банкларга бирлаштирилмоқда. Бу билан банклар балансига қабул қилинган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожлантирилмоқда. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

Иқтисодиётда инвестицион жараёни жадаллаштиришнинг муҳим жиҳати, бу банк-молия тизимининг ривожланиши билан боғлиқ. Кўпгина молия институтлари, хусусан банклар ички ва ташқи молия ресурсларини аккумуляция қилиш ва реал секторларга инвестициялашда фаол қатнашадилар.

4-жадвал.

Сармоявий кредитлар ажратмаси. (Ипотека банк мисолида)²³

№	Филиаллар	Инвестицион кредитлар		
		2013 йил 1 чорак режа	Бажарилиши	%
1	АТИБ Мехнат филиали	2067,0	2103,8	102%
	ЖАМИ	2067,0	2103,8	2103,8

№	Филиаллар	Инвестицион кредитлар		
		2012 йил 4 чорак режа	бажарилиши	%
1	АТИБ Мехнат филиали	6300,0	8082,7	128%
	ЖАМИ	6300,0	8082,7	8082,7

Ўзбекистон банклари томонидан инвестицион кредитлар ажратиш режасини бажарилиши Ипотека банки мисолида (4-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки ўтган йил учун режалаштирилган

²³ - Акционерлик Тижорат Ипотека банки мехнат филиали йил ҳисоботи ва чорак ҳисоботи маълумотлари асосида.

инвестицион кредитлар ажратиш 1782,7 млн сўмга ёки (28%) ортиғи билан бажарилган, шунингдек бу йилги кредитлар ажратиш режасининг бажариш тенденциясида ҳам ўсиш мавжуд. 2013 йил учун эса умумий ҳисобда 18 927,4 млн сўм кредит қўйилмалари ажратиш режалаштирилган бўлиб, шулардан 8 715 млн сўм миқдорда инвестицион кредитлар ажратиш режалаштирилган.

Инвестиция дастури маълумотларидан кўриш мумкинки, 2011 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмининг 9,1% қисми тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштирилади. 2013 йилда бу рақам 12% га етди. Бу кўрсаткич 2010 йил 8,4 %ни ташкил қилар эди. Шундан, «Қишлоққурилиш банк» АТБнинг имтиёзли кредитлари 196 289 сўм, 2013да эса 426 300 млрд. ни ташкил қилиб, асосан ушбу кредитлар қишлоқ жойларида уй-жой қурилишига сарфланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Тижорат банклари томонидан инвесторлар учун қулайликлар яратилмоқда Республика банкларида счётга ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган миқдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланди. Бугунги кунга келиб банклар кредит портфелидаги узок муддатли кредитлар улуши барқарор суръатларда ўсиб, 2012 йил якунлари бўйича **79,1 фоизга** етган.

2011-йил 16 июнда “Ўзбекистон банклар Уюшмаси ҳузуридаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси” ташкил этилди (ВМК №175). Шу билан бирга барча тижорат банкларида банкнинг инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича алоҳида таркибий тузилмалар ташкил этилди. Шунингдек “Ғаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ишлаб чиқилди (2013й.).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан банклар кредит портфелидаги узок муддатли кредитларнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда

солиғини тўлаш имтиёзи берилган. Бунда кредит портфели таркибида узок муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши:



8-расм. Солиқ ставкаларининг табақаланиши.²⁴

Тижорат банкларида самарадор инвестиция сиёсатининг олиб борилишини таъминлашда ташкилий тизимни такомиллаштириш мухим масалалардан бири ҳисобланади. Тижорат банкларида инвестицион фаолиятни кредитлаш жараёни самарадорлигини оширишда масъул кўмиталар ва бошқа таркибий тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш алоҳида ўрин тутди.

2009-2012 йиллар мобайнида тижорат банклари балансига жами **170** та корхона қабул қилинган;

- мазкур корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун **413,7** млрд.сўмлик инвестициялар киритилди;

- “НБУ-Инвестмент”, “НБУ-Инвест Групп”, “Асака Инвестмент”, “Агро Инвест Рекавери” ва “ПСБ Индастриал Инвестмент” бошқарувчи компаниялари ташкил қилинди;

- фаолияти тўлиқ тикланган **122** та корхона янги инвесторларга сотилди;

2013 йил 1 май ҳолатига ушбу корхоналар томонидан:


- **2,0** трлн. сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди;

- **570** млн. АҚШ долл. миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди;

- **25** мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.


²⁴ - Солиқ инфо-журнали.2012 йил.06,13 сон 126.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунларига ва 2010 йил учун устувор йўналишлар бағишланган мажлисидаги маърузасида – “Инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди. Бу борада биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, балки бундан тижорат банклари ҳамқанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларни ўз ресурслари билан нечоғлик фаол иштирок этишини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда улар йирик инвестиция институтига айланиши даркор.”²⁵ Жумладан олиб борилаётган инвестиция сиёсати ўлароқ давлатнинг устувор тармоқларига кредитлар жалб қилишга устуворлик берилмоқда.



2011 йил
январ-июн

- Ёқилғи - энергетика
- Енгил саноат
- Транспорт ва алоқа
- Соғлиқни сақлаш муассасалари



2012 йил
январ-июн

- Машинасозлик
- Қурилиш материаллари саноати
- Коммунал хўжалик
- Бошқа тармоқлар

9-расм. Иқтисодий тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва банк кредитларини ўзлаштириш.²⁶(%да)

²⁵ - И.Каримов-2009йил йакунлари ва 2010 йилнинг устувор вазифалари ва йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган марузаси.Халқ сўзи 2010.118/1 сони 26.

²⁶ - Бозор пул ва кредит журнали. 2012 йил 09. 38бет

Юқоридаги маълумотлардан ўришимиз мумкинки давлатнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган ёқилғи-энергетика тармоқларини инвестицион кредитлаш ишлари жадаллашган. Шунингдек соғлиқни сақдаш соҳасига сармоя ажратиш 2012 йилда ўтган йилгига нисбатан 2 баробарга ортган. “ 2011–2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари” Дастурига асосан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларидан 2011 йилда 75 млн. доллар, 2012 йилда - 90, 2013 йилда - 110, 2014 йилда - 130, 2015 йилга келиб 155 млн. доллар жалб этиш кўзда тутилган. Албатта, иқтисодий эркинлаштириш шароитида халқаро бозорда инвестицияларни кенг қўламда энг фойдали тарзда жойлаштириш янги мижозларни жалб қилиш соҳасидаги рақобат кураши кучаяди. Соғлом рақобат курашида фаол қатнашиш учун тижорат банклари ўз фаолиятларини такомиллаштириши, шу жумладан, халқаро бозорда фаол инвестиция сиёсатини олиб боришлари лозим. Инвестиция фаолияти тижорат банкларининг халқаро инвестицион бозордаги имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш, муайян даромад олиш, банк ликвидлигини таъминлашда муҳим рўл ўйнайди.

2.2 Ўзбекистон иқтисодийотида хорижий инвестициялар учун яратилган имтиёзлар.

И.Каримов иқтисодийотимизнинг таркибий ўзгаришларини муҳим шарти сифатида «... хорижий инвестициялар, авваломбор, хусусий сармояларни жалб этиш, бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолатлар яратиш ...»²⁷ зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтади.

²⁷ -Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2002 йил, 30 август, 2-бет

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг бошланиш давридан чет эл инвеститсияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди. Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда. Бу борада «Валютани тартибга солиш» тўғрисидаги қонун қабул қилинди, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвеститсиялар ва савдо вазирлигининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, ва унинг миллий валютани конвертацияси ҳамда импорт контрактларини рўйхатдаи ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифалари бекор қилинди. Жумладан, 2003 йил 15 октябрдан миллий валюта жорий халқаро операсиялар бўйича эркин конвертациясининг очилиши мамлакатдаги инвестиция иқлимини яхшилашга ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига катта имкониятлар яратди. 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан янги ҳужжат — "Чет эл инвестициялари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар этиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди. Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди.

Бугунги кунда хорижий инвеститсияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар

учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Улар қуйидаги расмда ўз ифодасини топган.

Кўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар
Хорижий инвесторлар капиталининг сақланиши учун кафолатлар
Солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар
Фойда ва даромадни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги
Миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти
Божхона имтиёзларининг мавжудлиги
Хорижий инвесторлар мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини

10-расм. Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар.²⁸

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва хорижий инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргазилади. Шундай қилиб, яратилган ҳуқуқий асослар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган инвестициясини ҳимоя қилади.

²⁸ – А.Бекмуратов, Й. Карриева, У.Нематов, Т.Каттаев “Учебное пособие”. – Т.: Иктисодиёт, 2010. – 77 бет

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йил 25 фоиз қисмидан, иккинчи йил 50 фоиз қисмидан, учинчи йил 100 фоиз озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан 100 фоиз озод қилинади;

- мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

- ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоиз экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

- ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра нефт ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек ушбу ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналарни импорт қилишда божлардан озод қилинади.

Мазкур соҳа корхонаси чет эллик ҳамкорлар билан бирга очилса:

- нефт ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;

- хорижий ҳамкорлар улуши капиталидан олинadиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидандан ташқари барча солиқлардан озод;

- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларини импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

1) 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида - 3 йил муддатга;

2) 3 миллиондан АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида - 5 йил муддатга;

3) 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши мумкин:

- мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;
- хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;
- корхонанинг низом жамғармасида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;
- ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;
- хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;
- мазкур имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхона янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

Имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил барвақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда фойдани ўз мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтаргандан кейин амалга оширилади.

Хорижий инвесторлар учун зарур молиявий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан хорижий инвесторларни ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма Республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йўли билан ҳосил қилинади. Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил апрелдаги ПФ-4434 сонли Фармони билан хорижий инвестицияли корхоналар учун қўшимча рағбатлар жорий этилган.

Хусусан, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АКШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тулов, ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жихозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тулашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек шу асосида янги иш ўринларини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолией даромадларини ошириш мақсадида Навоий вилоятида "Навоий" эркин индустриал иқтисодий зона ҳамда Тошкент вилоятида "Ангрен" эркин индустриал зона ташкил этилди.

Ўрнатилган алоҳида солиқ. режимига мувофиқ, "Навоий" эркин индустриал иқтисодий зона иштирокчилари тўғридан-тўғри инвестициялар хажми:

- 3 млн. евродан 10 млн. еврогача бўлганда - 7 йилга;
- 10 млн. евродан 30 млн. еврогача бўлганда - 10 йилга асосий солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилади.

Кейинги 5 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида ўрнатилади; 30 млн. евродан ортиқ бўлганда бу муддат 15 йилни ташкил этади. Кейинги 10 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида ўрнатилади. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бери у ерда 12та корхона қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди, ушбу корхоналарда 80 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симларини ишлаб чиқариш, автомобиль газ баллонларини ишлаб чиқариш, уяли ва стационар телефонларни, модемлар ва интернет приставкаларни қўшма ишлаб чиқариш каби яна 7та юқори технологик лойиха амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда "Ангрен" махсус индустриал зона ҳудудида умумий суммаси 186,0 миллион АҚШ долларида ортиқ 8та инвестицион лойиха амалга оширилмоқда. Улар орасида - ишлатилган нефть маҳсулотларидан

базавий мойлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, турли диаметрли мис қувурларни тайёрлаш, санитартехник буюмлар учун смесителлар, запорли арматура ва бутловчи буюмлар, санитар керамика, керамик плиткалар, брикетли кўмир тайёрлаш, янги қанд заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқариш мажмуасини барпо қилиш. Яна 22 та рентабелли лойихаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинмоқда ва улар бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда, уларнинг умумий суммаси 245 миллион долларга тенг. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;
- кўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

Инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилмайди, реквизиция қилинмайди ва мусодара этилмайди. Агарда инвестиция давлат мулкига айлантирилса ёки реквизиция қилингудек бўлса, у ҳолда хорижий инвесторга тегишли компенсация тўланади. Бундай товлон инвестиция қилинган валютада ёки инвесторнинг розилиги билан бошқа валютада тўланади. Товлон тўланган вақтга қадар инвесторнинг фойдасига фоизлар ҳисобланади. Давлат ва маҳаллий валюта жамғармалари ва заҳиралари бу товлон пулининг манбаси ҳисобланади. Инвестиция фаолияти субъектининг инвестиция фаолияти натижасида олинган даромади (фойдаси) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангач, унинг ҳоҳишига кўра реинвестиция қилиниши ёки

бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин. Инвестицияларнинг кўшимча кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари ҳукумат томонидан кафолатлар беришни, инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлашда кўмаклашишни, махсус солиқ ва тўлов режимини яратилишини, лойиҳалар амалга оширилишида давлат мониторинги юритилишини ўз ичига олиши мумкин.

Шу боисдан ҳам ватанимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу турдаги хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини тугатиб, капиталини (фойдасини) мамлакатларига олиб чиқиб кетишлари учун имтиёздан фойдаланиш муддати тугаганидан кейинги фаолиятини юритиш муддати камида 3 ёки 5 йил қилиб белгиланиши, акс ҳолда эса солиқлар бўйича берилган барча имтиёзлар суммалари бюджетга ундирилиши лозим.

2.3 Хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш, инвестицион жозибадорлик тушунчаси.

Президентимиз И. Каримов таъкидлашича, “Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас”²⁹.

Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устивор тармоқларини янада ривожлантириш, мулкчиликнинг турли шакллари асосида ташкил топган хусусий секторни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги

²⁹ -Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва 2007 йилга мўлжалланган устувор вазифаларига бағишланган марузаси.Халқ сўзи-20017-67сон, 26ет

талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади.


Инвестиция фаолиятидаги бурилишлар, таъкидланган вазифаларни ечиш; инвестициялашни давлат механизмини эркинлаштириб бориш ва бозор механизмлари қўлланиладиган соҳаларни кенгайтириш; инвестициялашни ўз жамғармалари ҳисобидан таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; лойиҳавий, корпоратив молиялаштириш, синдикатлаштирилган кредитлаш, лизинг каби янги усуллардан фойдаланиш соҳаларини кен-гайтириш талаб қилинади. Инвестицион қарорларни қабул қилиш ва самарадорликни баҳолашда, айниқса молиялашда хорижий манбаларни кенгайиб бориши муносабати билан ташқаридан жалб этиладиган ресурсларнинг нарх ва қийматларини ҳисобга олиш зарурати пайдо бўлади. Инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши дунёдаги энг йирик ва машхур конценрнлар иштирокидаги «Узбат», «УзДЭУ авто», «Зарафшон Ньюмонт» каби ва бошқа катта қўшма корхоналарни барпо этиш имконини беради.

Хорижий инвеститсияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади. Бунинг учун, бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади; иккинчи томондан, ички инвеститсия ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвеститсияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан Республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жахон иқтисодий тизимига қўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Республикаимизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади (11-расм).



11-расм. Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси³⁰.


Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб

³⁰ -А.Бекмурадов, Й. Кариева, У.Нематов, Т.Каттаев “Учебное пособие”. – Т.: Иқтисодиёт, 2010й. – 166 бэт.

бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади. Умуман айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларида бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 30% хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150 минг АҚШ доллариға тенг бўлган эквивалент суммаси ташкил этган корхоналарга айтилади. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасининг 150 минг АҚШ долларида кам бўлмаслиги сифатсиз маҳсулотларнинг олди-сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган.


Жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми **4,6** трлн сўмни ташкил қилди ва солиштирма нархларда 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 фоизга ошди. Капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг 68,2 фоизи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.



12-расм. Ўзбекистондagi хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарини тармоқлари тақсими.³¹ (01.01.2012 ҳолатига)

³¹ Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумоти “Йиллик ҳисоботлар” асосида тузилди.

Юқоридаги маълумотга асосланган ҳолда иқтисодиётимизда ички савдо, енгил саноат ва озиқ овқат соҳасидаги хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар салмоқли ўрин эгаллашини кўриш мумкин. 2012 йилда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 1,6 баробар, аҳоли маблағлари ҳисобидан 16,2 фоиз, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 10,6 ўсди. Бунда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 21,7 фоизини аҳоли маблағлари ташкил қилди ва бу унинг юқори инвестицион фаоллиги ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган 4434-Фармони билан тасдиқланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини мустаҳкамлашга доир чора тадбирлар амалга оширилиши ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмини 35,5 %, жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни 44% га кўпайтириш имконини берди. Биргина мисол сифатида 2002 йил иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар 650 млн долларни, 2012 йилда эса бу рақам 2 млрд 500 млн долларни ташкил этганини келтириб ўтиш мумкин.



**13-расм. Хорижий сармояларнинг
жамидан улушини ўзгариши (2002-2012.)**³²

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвесторлар сармояларини жалб қилишга қуйидаги шарт-шароитлар мавжуддир:

³² “Ўзинфоинвест” ахборотномалари ва Давлат статистика қўмитаси “stat.uz” маълумотлари асосида тузилган.

- чет эллик ҳамкорларни жалб этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари;
- сиёсий барқарорлик;
- қулай географик жойлашув;
- мамлакатнинг муҳим транспорт коридорлари туташувида жойлашганлиги;
- Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги;
- минерал ресурслар ва қазилма бойликларга бойлиги;
- тасдиқланган резервлар 1,3 трлн. АҚШ доллариға тенг;
- мамлакатнинг жами потенциал минерал ресурслари 3,5 трлн. АҚШ доллариға тенг;
- инсон ресурслари:
 - а) деярли 100 фоиз саводлилиқ даражаси;
 - б) ишчи кучининг мавжудлиги.

Бугунги кунда хорижий инвестицаларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари бор. Улар қуйидаги чизмада акс эттирилган



14-расм. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари.³³

³³ – А.Рафиев “инвестиция мухитини назарий ва амалий моҳияти” -УзМУ 2009 й – 35 бет

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

ъ 15-расм. Жаҳонда сармояларнинг глобал оқими ҳажми.³⁴

Албатта дунё мамлакатларида иқтисодий инқирози тасирида савдо сотиқлар ҳажми камаяётган мураккаб даврда маблағларни инвестиция қилиш катта риск ҳисобланади. Ҳукумат кафолатсиз мамлакатга сармоя киритувчи инвесторлар томонидан 2007 йилда халқаро майдонда 1971 млрд. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими ҳаракат қилган бўлса инқироз вақтида бу рақам 1198 млрд долларга тушиб кетди.

Умуман олганда, бугунги кунда иқтисодчи олимлар фикрича, “инвестицион жозибадорлик” атамаси ўзида бир қатор омиллар, жумладан, ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, молиявий, ташкилий – ҳуқуқий, географик ва бошқа омиллар таснифини мужассамлаштиради. Ушбу омилларни комплекс баҳолаш асосида инвестиция risks аниқланади. Айнан шу

³⁴ -“Суверен қарзлар инқирози” шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар А.В. Вахабов марузаси-ТМИ 29 май.

инвестиция риси инвестициялаш имкониятини белгилаб беради ва маълум бир мамлакат ёки минтақага инвестиция киритилишига туртки беради. Агар мамлакатда инвестициялаш риси юқори бўлса, инвестицион жозибadorлик даражаси паст, яхши шаклланмаганлигидан далолат беради. Инвестиция салоҳияти ва инфратузилмалар ва сиёсий – иқтисодий барқарорлик инвестицион жозибadorликнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Айнан шу салоҳият ва риск омилларини баҳолаш асосида мамлакат(минтақа)нинг инвестиция муҳити ёки инвестиция жозибadorлик даражаси аниқланади.

Инвестиция муҳити тушунчаси ўз мураккаблиги ва мукамаллиги жиҳатидан мамлакатга капитал киритилишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Чунки айнан жозибadorлик даражасини ошириш натижасида иқтисодиёт тармоқлари фаолияти кенгайиши, бу орқали аҳолига хизмат кўрсатиш ва маҳсулотлар етказиб бериш ҳажми ошиши мумкин. Шунингдек сармоя кириб келиши орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш билан қўшимча иш ўринларини жирий этиш йўли билан ишсизлик даражасини пасайтиришга эришиш мумкин. Шу билан бирга мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожланганлик даражасини белгилаб беради. Инвестицион жозибadorлик даражаси бир томондан инвестор фирмаси ва иккинчи томондан хорижий инвестицияни қабул қилувчи ҳўжалик субъектлари, яни сотувчилар, сотиб олувчилар, давлат ва банк, бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни акс эттиради.

III-БОБ: Республикамизда самарали инвестиция сиёсатини юритиш йўналишлари.

3.1 Инвестиция сиёсатида тижорат банкларнинг ролини ошириш масалалари.

Хозирги кунда Республикада мамлакатнинг ҳаётий муҳим соҳаларига ҳет эл сармоясини жалб этиш учун қулай шароитлар яратилмоқда экан, Ўзбекистон учун мамлакат кредит рейтингини эгаллаш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. 2011-2015 йилларга мўлжалланган молия-банк тизимини ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш дастурларида Ўзбекистон Республикаси 2015 йилгача суверен кредит рейтингини қўлга киритиш кўзда тутилган. Мамлакатнинг рейтинг даражасини олиши мажбурий ҳисобланмасада, халқаро молия бозорларига чиқишга ва кенг қўламда инвестицияларни жалб қилиши учун зарурий омил ҳисобланади.

Инвестор учун мамлакат кредит рейтингини кузатиш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби йирик инвестор, халқаро молия ташкилотлари кўпгина давлатларда доимий ваколатхоналарига эга ва мавжуд иқтисодий вазият бўйича мустақил тадқиқот ўтказиш имкониятига эга.

Рейтинг агентликларининг асосий вазифаси қарз олувчидан ва бошқа ташқи манбалардан олинган маълумотларга асосланган ҳолда қарз олувчининг қарз мажбуриятларини бажара олиш қобилиятига ҳолис ва профессионал баҳо бериб, бу маълумотларни ҳаммага тушунарли шаклда - рейтинг кўринишида ташқи фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарор қабул қилишлари учун зарур манба ҳисобланади.

Мамлакат ҳудуди ва алоҳида компаниянинг кредит рейтинги мамлакат кредит рейтингидан юқори бўлиши мумкин эмас, яъни мамлакат кредит рейтинги ўзига хос чегара вазифасини бажаради. Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредит олган корхоналар томонидан ўз мажбуриятларини вақтида бажара олмаганликлари сабабли банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан хорижий кредиторларга уларнинг асосий қарзлари ва фоизлари тўлаб келинмоқда.

Натижада бу кредитлар ва фоизлар банкка қайтарилмасдан муддат бир неча бор узайтириб келинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Республикасида хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва лойиҳаларни молиялаштиришдаги қатор муаммоларни умумлаштириб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- инвестицион лойиҳа (маҳсулотлар бозори) бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончсизлигига салбий таъсир этиши, шу билан бирга хом ашёни етказиб бериш ва маҳсулотларни сотиш бозорларида маркетинг тадқиқотларнинг тўлиқ ва ҳақиқий олиб борилмаслиги;

- инвестицион лойиҳаларни кредитлаш жараёнини тартибга солувчи меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар тўла маънода такомиллашмаганлиги ва уларнинг тез ўзгарувчанлиги, бунинг натижасида кредит олувчиларнинг ушбу ўзгаришлардан беҳабар қолишлари;

- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қўзланган даромаднинг (лойиҳа бўйича пул қиримлари) ўз вақтида келиб тушмаслик рискининг мавжудлиги ва бундай рискларнинг омиллари ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотни сотиш, харидорлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ёки мавсумий тебранишлар билан боғлиқ бўлиши;

- инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири - молиялаштиришнинг муқобил усулларида (лизинг кредити) сушт фойдаланиши, лизингнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етмаслиги;

Хорижий банкларнинг кредит линиялари инвестиция лойиҳаларини иқтисодий ва молиявий таҳлили ва уларни баҳолаш, лойиҳани молиялаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш, инвестиция лойиҳасини мониторингини ташкил этиш ва кредитни фоизлари билан қайтариб олишда

бир катор камчиликпар кўзга ташланади. Ана шу жихатдан қуйида бир қанча таклиф ва тавсияларни келтириб ўтамир:

1) Хозирги кунда тижорат банклари узок муддатли кредитлардан кенг фойдаланиб инвестиция лойихаларини молиялаштиришни амалга оширмоқдалар. Лекин, инвестиция лойихаларини молиялаштириш узок муддатга кўпгина маблағ сарф қилишни талаб қилганлиги сабабли барча тижорат банклари хам лойихавий молиялаштириш билан шуғуллана олмайдилар.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда жуда кўплаб молиялаштиришни талаб этадиган инвестиция лойихалари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш иқтисодиётни ривожлантиришга, маҳаллий ишлаб чиқариш даражасини кўтаришга олиб келади. Уларни амалга оширишда лойихавий молиялаштиришнинг инвестицияларни пухта баҳолаш лойихани амалга ошириш хамда мониторингини олиб бориш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ, хозирги кунда уларнинг кўп йиллик тажрибасидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги сабабли қарз олувчи (хох у хусусий фирма ёки давлат корхонаси бўлсин) тўғридан-тўғри ўз ғояси ва илтимоси билан банка молиялаштириш очиш тўғрисида мурожаат этади. Лекин, шу нарсани унутмаслик керакки, банк ғоя учун маблағ ажратмайди.

2) Тижорат банклари томонидан инвестиция лойихалари молиялаштирилганда баъзи бир хусусиятлар эътиборга олиниши лозим.

Ўзбекистонда одатда банкдан сўраладиган кредит суммасининг миқдори қарз олувчининг хусусий маблағларига нисбатан анча баланддир (кўпинча қарз маблағлари - 75%, хусусий маблағлар - 25%). Худи шу ўринда, ғарб тажрибасига кўра, талаб қилинаётган инвестицияларнинг ҳажми хусусий капиталнинг 10-20% ини ташкил этиши керак. Ғарб дунёси учун қарз олувчини лойихани амалга оширишда хусусий капитал улушининг баландроқ бўлиши одатий ҳолдир. Бизда эса, шундай ҳолатлар бўладик, қарз олувчи инвестиция лойихалари учун молиялаштириш манбаларини

сўраб, умуман ўз маблағларини йўналтиришга ҳаракат ҳам қилмайди. Чунки кредит бериш хавфининг ўзи юқори, инвестиция лойихаларининг молиялаштириш хавфи эса муман юқоридир.

3) Халқаро Молия институтларининг хорижий кредит линияларини жалб этиш тажрибаси шуни кўрсатадики, нафакат лойиханинг, балки лойихани амалга оширувчи корхонанинг ҳам молиявий-иқтисодий тахлили талаб қилинади.

Лойихаларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ўртача банклар учун юқори рискли ва ўзига яраша қиммат ҳисобланади. Шунинг учун бу лойихаларни молиялаштиришда хорижий банкларнинг кредит линияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Инвестиция лойихасини тавсифлаб берувчи маълумотларга ҳаддан зиёд кўп талабларнинг қўйилиши ҳамда банкнинг лойихаларини молиялаштириш йўналишидаги метод кўп ҳолларда ўзини оқламаслиги мумкин.

4) Юридик қўлланмаларнинг ортиқча мураккаблиги инвестиция лойихасини амалга оширишни қийинлаштиради. Масалан, қарз олувчи кредит олиш учун банка кўп миқдорда ҳужжатларни тақдим этиши ва мураккаб ҳужжат шакллари тўлдириш лозим. Шунинг учун кўпгина ҳолатларда мижоз ёки умуман банка мурожаат этишдан бош тортади ёки ҳужжатларни тўлдиришга расмий қарайди ва натижада, банкка айнан керакли бўлган маълумотларни бера олмайди. Бунинг оқибатида банк томонидан мижознинг лойиха билан ишни давом эттириш бўйича қарор қабул қилишда бу маълумот ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади.

5) Бугунда тижорат банклари фаолиятида олиб борилаётган лизинг фаолиятини кенгайтириш инвестиция жараёни учун фойдали бўлар эди. Марказий банк томонидан белгиланган чегарага кўра лизинг хизмати ҳажми умумий кредит ажратмаларининг 25 фоизидан ошмаслиги керак. Бу лизинг фаолиятини кенгайтириш учун тўсқинлик қилади. Шу билан бирга тижорат банкларини лизинг кредитларини бериш борасида ҳам имтиёзлар қўлланилиши керак.

Юқорида келтирилган таклиф-тавсияларнинг инобатга олиниши Республикамизда марказлашмаган капитал қўйилмалар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаш механизмини такомиллаштиришга кўмаклашади.

3.2 Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари.

Республикамизда инвестициялардан самарали фойдаланишда бир қанча ишлар амалга оширилганлиги билан бирга мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш вазифасида тўхталар экан, давлатимиз раҳбари ушбу устувор вазифани амалга ошириш учун:

“биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар ўз даро-мадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилмоқ керак”.

“иккинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни Республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш лозим” - деб такроран таъкидлайди;

“учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш зарур”;

“тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга - республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш керак!”³⁵ лигини аниқ кўрсатиб, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта

³⁵ - И. Каримов Биздан озод ва обод Ватан қолсин.. Т.:Ўзбекистон, 1996 й. 11-12 бетлар.

курмай туриб, экспорт имкониятларини кенгайтириш мумкин эмаслигини асослаб беради.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини фақат давлат таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллаштиришни назарда тутди. Очик бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шарт-шароитлар Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга бўлган қизиқишининг ортиб боришини таъминламоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар ичида қўшма корхоналар етакчи ўринда туради. Тўлиқ хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар кам.

Шунингдек Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:


- ✓ -инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;
- ✓ -қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- ✓ -қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;
- ✓ -минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- ✓ -транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;
- ✓ -иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- ✓ -туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва асосий муаммолардан бири чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни республика минтақалари бўйлаб бир текис жойлаштиришдир. Алоҳида диққат ва эътиборни жалб қиладиган муаммо Республика ҳудуд ва туманларини ривожланишидаги нотекисликни қисқартириш масаласидир. Бу хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни мамлакат минтақалари бўйлаб жойлаштиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади (16-расм).



16-расм. Хорижий кредит линияларининг ҳудудлар бўйича тақсимотининг нотекислиги. (%да 2011 йил ҳолатига)³⁶

Бу эса ҳудудларда инвестициялардан фойдаланиш кўрсаткичларига салбий таъсир қилади. Республикамизнинг айрим вилоятларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш иктисодиётни модернизациялаш талаблари даражасида эмас. Демак, хорижий инвестицияларнинг нотекис тақсимлангани

³⁶ – “Узинфонинвест” 2011-йил ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

ва купчилик ривожланаётган мамлакатларда уларни жалб этиш куламининг кичиклиги уларни жалб этиш борасидаги асосий муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида ҳам шу каби муаммоларни кузатишимиз мумкин.

Республикамиз хорижий сармоясини таҳлил қилар эканмиз, унда давлат кафолати остида жалб қилинаётган инвестиция ва кредитлар кўпчиликти ташкил этишини кўришимиз мумкин. Бинобарин, Президентимиз айтганидек, «Бугунги кунда чет эл инвестицияларининг асосий қисми бевосита ҳукумат кафолати остида мамлакатимизга киритилаётгани бизни қониқтирмайди».³⁷

Ҳозирги кунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида нафақат ички инвестициялар, балки хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ижобий натижаларга эриши мумкин. Аммо бугунги кунда ушбу соҳада қуйидаги муаммолар мавжуд:

- инвестиция инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги – банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;
- тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли даражада эмаслиги – ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштириш;
- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги – ташаббускорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан мувофиқлаштириш ва доимий назоратга олиш;

³⁷-И.Каримов-Ислохотлар ва инвестициялар буйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йигилишидаги маъруза. 2000 йил 1 феврал.

- лойиҳа ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволининг ночорлиги –инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволини маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

Шунга кўра қуйидаги таклифларни келтириб ўтамиз :

Инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги. Бу муаммонибартараф этишда банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш чора тадбирларини амалга ошириш зарур;

Тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги – бу муаммо борасида ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш даркор;

Инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг сифатли ишлаб чиқилмаганлиги–ташаббускорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

Лойиҳа ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволи оғирлиги – инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволини маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

Маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида батафсил маълумотлар билан таъминлашда фаол эмаслиги – хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий маътбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил,

хом – ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учунҳар бир ҳудуд бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш, шунингдек инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар (Республика ҳудудида ва хорижий мамлакатларда) ўтказиш;

Ўзбекистоннинг жойлашган географик рельефи, яни бой фойдали казилмаларга эгалиги, нефть ва энергетика манбалари билан ўзини узи таъминлаш бўйича катта имкониятларга эгалиги, лекин шунинг билан бир вақтда 10 млн. тоннадан зиёд нефтни, қора металл, тахта ва ёғоч материаллар, кўмир, кимё ва машинасозлик саноатининг тайёр маҳсулотларини озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини катта ҳажмда четдан ташиб келтирилиши салбий иқтисодий ҳолатдир. Бу ҳолатларни бартараф этиш, хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасига олиб келиниши билан ҳал этилиши мумкиндир.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш жараёнида лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари муҳим рўл ўйнайди, шундай экан тижорат банклари олдида Марказий Банк томонидан жорий этилган лимитларни олиб ташлаш ёки Тижорат Банклари қошида лизинг корхоналарини ташкил этиш лозим.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар инвестиция сиёсатини янада мустаҳкамласак, ҳамда хорижий инвестициялар кириб келиши оқимини янада такомиллаштириш мақсадида камчиликларни бартараф этсак, Республикамизда инвестицион муҳит янада яхшилашади ва барқарорлашади.

Хулоса

Инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги муҳим стратегик вазифа-бу Ўзбекистон минтақалари иқтисодий тармоқлар тузилмасини диверсификациялаш, ишлаб чиқариш ва илмий солохиятларини ривожлантириш республикада рақобадбардош экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат.

Бугунда мамлакатимиз капитални жойлаштириб салмоқли фойдага эришиш учун ҳар томонлама қулай, иқтисодий тарафлама етарлича шаклланган ҳудуд ҳисобланади. Бу орқали нафақат инвестор балки юртимиз ҳам катта ютуқларга истиқболда етук ижтимоий иқтисодий самарага эришиш мумкин. Буни куйидаги рақамлардан ҳам англаш мумкин. Ҳозирда Ўзбекистонда 4500 дан зиёд хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар мавжуд. Таққослаш учун келтириб ўтиш лозим: 2000 йил 3,5 мингта чет эл капитали иштирокида ташкил этилган қўшма корхонанинг атиги 52 фоизи амалда фаолият кўрсата эди ва буларнинг атиги 592 таси ёки 31 фоизи ишлаб чиқариш корхоналари эди, танқид остига олинди. Республикамиздаги 163 қишлоқ туманинг 52 тасида биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганлиги. Бундай ҳолатларга бугунда чек қўйилган ва инвестициялардан самарали фойдаланиш борасида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан ўтган 2012 йилнинг ўзида жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, **205 та** йирик инвестиция объекти куриб битказилди. “ Шулар қаторида бугунги кунда Ангрен маҳсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186,0 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда”³⁸. Буларнинг бари ҳукуратимиз томонидан олиб бортлаётган оқилона инвестицион сиёсат натижаси деб айтиш мумкин.

³⁸ - И.Каримов 2012 й мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, 2013 мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадига кўра, бевосита жаҳон иқтисодиётида охириги йилларда рўй бераётган ва кузатилаётган таркибий ўзгаришлардан келиб чиқиб, инвестицион сиёсатни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунга мувофиқ Республикамизда инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш хусусан, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

➤ Мамлакатда самарали инвестиция сиёсатини юритиш мақсадида унинг, узок муддатга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Бу эса мамлакат инвестиция сиёсатининг бош ғояси ва асосий йўналишларини аниқлаб бериши ҳамда камида 25-30 йилга ишлаб чиқилиши зарур. Мазкур концепцияда инвестицион ресурслар салоҳияти, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида уларни таксимлаш тамойиллари олинадиган натижалар прогнози акс эттирилиши лозим. Концепциянинг амалга ошириш миллий иқтисодиётга инвестициялар киритиш орқали ривожлантирилиши кўзда тутилаётган тармоқлар ва ҳудудларнинг, бозор инфратузилмаларининг тараққиётига хизмат қилиши керак.

Ўзбекистоннинг яқин истиқболга (2022 йилга) чет эл сармоялари киритилиши мўлжалланаётган соҳалар, объектлар рўйхатини тузиш ва чет эл инвестициясига бўлган эҳтиёжини аниқлаш зарур. Мазкур инвестициялар киритилгандан сўнг кутилаётган иқтисодий-ижтимоий самаралар, натижалар прогнози ишлаб чиқилиши керак. Таклиф этиладиган чет эл инвестицияларининг миқдори билан талаб этиладиган инвестициялар ҳажмини солиштириш, таҳдил қилиш асосида талаб этиладиган қўшимча маблағларни шакллантиришнинг бошқа манбаларини топиш ва уларни жалб этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

➤ Марказлашмаган капитал қўйилмалар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш;

- Инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожлантириш — банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойихаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;
- Тадбиркорларнинг бизнес-қўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойихалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги сабабли, ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар фаолиятини ривожлантириш;
- Инвестиция лойихаларини техник-иқтисодий асосномаси сифатли ва пухта ишлаб чиқиш учун, аввало инвестиция лойихалари ташаббускорларини ўқитиш ишларини ташкил этиш ва фаоллаштириш, лойихаларнинг техник- иқтисодий асосномасини экспертизадан ўтказиш услугиёти бухгалтерия ҳисоби стандартларига, солиққа тортиш ва лойихавий таҳлил қоидаларига мувофиқ бўлиши, лойихавий таҳлилнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир;
- Хусусийлаштириш жараёнига инавестициялар, илғор технологияларни ва замонавия бошқаришни жалб этиш мақсадида хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали тизимини яратиш;
- Минтақаларда инвестиция сиёсати билан шуғулланувчи (бизнес савдо ташкилотлари банклар) барча субъектларни бирлаштирувчи инновацион марказни яратиш лозим;
- Инвестиция лойихаларини молиялаштириш жараёнида, уларнинг оптимал ечимини топиш, қарз маблағларига эҳтиёж бўлганда қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш, уларнинг оптимал ечимини топиш ва молиявий ҳисоботларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ;
- Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек, хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни

яхшилаш ва хорижий валютани конвертациялаш масаласини хал қилишдан иборат.

➤ Шунингдек хорижий инвесторлар солиқ имтиёзлари ёрдамида ўртача 5 йил фаолият юритгач барча солиқ ва тўловларни тўлаш даврида даромад камайиб кетади. Сўнгра солиқ даври келганида эса ушбу корхона ўз фаолиятини якунлайди. Шундай жараёнларни амалга ошмаслиги учун мукаммал лойиха ва дастур ишлаб чиқиш керак бўлади. Ёки инвестиция иштирокидаги корхона учун имтиёз даврини фаолиятни маҳаллий шароитга ва бозорга тўлиқ ўрнашиб олгунча, чуқур изга солиб олгунча узайтириш керак бўлади.

Хозирги кунда мамлакатда инвестиция фаоллигини ошириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқими ҳажмини кўпайтириш мақсадида самарали воситалардан бири сифатида, биринчи навбатда, миллий корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда салоҳиятли хорижий инвесторлар билан мустақил иш олиб бориш имкониятларини кенгайтиришни таъминлаш зарур. Давлат кафолати ёрдамида кириб келаятган инвестицияларни ҳажмини ҳам камайитириш зарур бўлади. Чунки давлат кафолати остида фаолият олиб боровчи инвесторга кафолат сифатида малакатнинг ёр усти ва ёр ости бойликларига эгалик қилиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи облигациялар берилади. Агар сармоя киритилган соҳа кутилган самарани бармаган тақдирда облигацияда кўзда тутилган давлат мулкани йўқотиш rischi мавжуд.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш босқичида Ўзбекистон учун инвестицияларни устувор саноат тармоқлари учун янги лойиҳаларга жалб этиш афзалроқ. Бунинг учун мамлакатни инвестицион жозибадорлигини такомиллаштириш, янги лойиҳаларга тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар оқимини ва қўшма корхоналар ташкил қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантирувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш лозим. Чет эл инвестицияларини амалга оширишга доир амалдаги вақтинчалик шартларни

халқаро шартномалар тамойилларига мувофиқлаштириш керак, айрим мамлакатлар ва аниқ инвесторлар учун имтиёзлар ва рағбатларни ҳал қилинадиган вазифаларга боғлиқ ҳолда белгилаш лозим бўлади.

Чет эллик инвесторларнинг эътиборини жалб қилиш учун чет эл инвестицияларининг эҳтимоли бўлган оқимлари билан боғлиқ жами масалаларни ҳисобга оладиган, замонавий, рағбатлантирувчи қонун ҳужжатларидан ташқари олиб борилаётган молия сиёсатини такомиллаштириш ва миллий валюта мавқеини мустаҳкамлаш зарур бўлади.

Чет эл капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича узок муддатли, ҳудудий, мақсадли дастурларида устувор соҳаларни белгилаш ва уларнинг чет эл технологияси ва ускуналари билан биринчи навбатда жиҳозланишини асослаш керак. Бунда халқаро молия лизингини кенг ривожлантириш ҳисобига чет эл технологияларини жалб қилишни, кўчмас мулкни барпо этишни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва техник технологиялар билан тўлиқ жорий этиш, янада такомиллаштиришни англашимиз ва амалда қўллашимиз керак. Шунингдек минтақалар ва тармоқлар ўртасида капитални, чет эл сармояларини тўғри, оқилона тақсимлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга давлатнинг муҳим стратегик соҳаларига устуворлик бериш, уларга инвестицияларни жалб этиш бугуннинг долзарб масаласидир. Буларни жорий этган ҳолда оқилона инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодиётимиз ривожини юксалишини кўзда тутиб экспорт салоҳиятини янада ошириш ва импорт товарларни камайтириш, кичик тадбиркорлик бизнесларини янада ривожлантиришга кириб келаётган сармояларни уз ўрнида ишлатишни назорат остига олган ҳолда қонун қоидаларни жорий этишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992 йил 8 декабр;
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги қонуни, 1995 йил 21 декабр;
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонун, 1996 йил 25 апрел;
4. Ўзбекистон Республикаси “Инвестиция фаолияти тўғрисидаги” 609-1-сонли қонуни 1998 йил;
5. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийларнинг фаолияти тўғрисида»ги қонуни 1998 йил 29 августда.
6. Ўзбекистон Республикаси “Инвестиция фаолияти тўғрисидаги” 719-1-сонли қонуни 1998 йил 24 декабрда;
7. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида» ги қонуни 1997 йил 16 март;
8. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора – тадбирлари тўғрисида» ги қонуни 1994 йил 5 май;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сонли фармони;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й 9 февралдаги «Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони ;
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 29 сентябрдаги 410-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини

- ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1999 йил 19 январдаги 24-сон қарори;
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарори;
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислох қилишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарори;
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банклар акцияларининг давлатга тегишли пакетларини потенциал инвесторларга сотиш бўйича давлат тендер комиссияси тўғрисида»ги 2001 йил 3 майдаги 205-сон қарори;
17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Давлат қисқа муддатли облигацияларини билан операциялар ўтказиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 мартдаги 22-сонли буйруғи;
18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Инвестиция воситачилари тўғрисида низоми», 1997 йил 2 февралда 326-рақам билан рўйхатга олинган (янги таҳрири) ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва марузалари:

19. И.Каримов Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
20. И.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
21. И.Каримов Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.:Ўзбекистон, 1996.
- 22.И.Каримов Озод ва обод ватан эркин ва форовон ҳаёт- пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
23. И.Каримов Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маъруза. 2000 йил 1 феврал.

24. И.Каримов Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
25. И.Каримов “Ватан равнақи учун хар биримиз масъулмиз” Т.9 Т.: «Ўзбекистон», 2001
26. И.Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2002 йил, 30 август, 2-бет.
27. И.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
28. И.Каримов Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
29. И.Каримов “Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодий талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир” – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007.
30. И.Каримов “ Ватанамиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш олий саодатдир” УзЛидеп қурултойидаги маърузаси 2007й Т.
31. И.Каримовнинг “2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва 2007 йилги устувор вазифалари” Вазирлар маҳкамасидаги маърузаси.
32. И.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент, 2009
33. И.Каримов Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президентимиз 2009 йилнинг асосий қарорлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси Халқ сўзи 2010 йил 30 январ.
34. И.Каримов 2012 й мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш қарорлари, 2013 мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси.

Дарслик ва ўқув адабиётлари:

35. А.Бекмурадов, Й. Карриева, У.Нематов, Т.Каттаев “Учебное пособие”. – Т.: Иқтисодиёт, 2010.
36. А.Узоқов У.Кенжаев Р.Рафиев “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” Иқтисод-Молия-2007 Т.
37. А.Узоқов Э.Ностров Р.Саидов М. Султанов “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш ва уларнинг мониторинги” Иқтисод-Молия-2006 Т.
38. Aurbach, Robert D. «Money, banking and financial market» New York, Mac. Publ. Comp 2006 year.
39. А.Рафиев “Инвестициялар мухитини назарий ва амалий моҳияти” – ЎзМУ Тошкент 2006.
40. А.С.Жураев, Д.Ю.Хужамкулов, “Инвестиция лойиҳалари таҳлили” “Шарк” Тошкент 2003 й
41. А.Ш.Бекмуродов, Я.Карриева, И.У.Нематов, Х.Набиев, Т.Каттаев “Хорижий инвестициялар” IQTISODIYOT-2010
42. В.Г. Золотогоров Инвестиционное проектирование: Учеб. пос. – Мн.: ИП “Экоперспектива”, 1998.
43. В.В. Ковалев «Методы оценки инвестиционных проектов» М.: -Финансы и статистика.2001 г
44. Д.Ғ. Ғозибеков Инвестицияларни молиялаштириш масалалари – Тошкент: “Молия” нашриёти 2003 й. – Б.
45. Д.Ғозибеков, Э.Носиров. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2007,
46. М.В.Ромаш Финансирование и кредитование инвестиций/ – 2004г.
47. М.Ф.Ачилов, М.Г.Алиев, А.В.Котов, М.Б.Хамидулин и др. Рынок капитала Узбекистана вчера, сегодня и завтра. Ташкент «Молия» 2002.
48. Н.Е.Егоров, А.М.Смулов Предприятия и банки. –М.: “Дело”. 2002.
49. Т.Дадабоев “Хорижий инвестиция” Иқтисодиёт-Т 2004

50. И.И.Алимов “Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари” ўқув қўлланма Тошкент 2006
51. И. Бутиков “Қимматли қоғозлар бозори” Т.: “Конс аудитинформ” 2001 й,
52. Х.Имомов “Инвестицияларни ташкил етиш ва молиялаштириш” Иктисод-Молия-2010 Т.

Илмий журналлардаги мақолалар:

53. «Халқ сўзи» газетаси 2007 йилдан 2013йилгача 36-88 сонлари
54. Бозор, пул ва кредит 2010- йил 6/10 сонидан 2013- йил 5/13 сонигача
55. «Банк ахборотномаси» газетаси 2007-2013 й.й..
56. «Бизнес Вестник Востока» Деловой еженедельник, 2009-2013 г.г..
57. «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси. 2008-2013 й.й.
58. «Ўзбекистон иктисодий ахборотномаси» журнали 2009-2013 й.й.
59. «Экономическое обозрение» журнал, 2007-2013 г.г.
60. «Солиқ инфо» журнали.2011-2013й.й

Интернет сайтлари

www.stat.uz	www.bir.uz
www.banking.com	www.microfinance.uz
www.psb.uz	www.MTRK.uz
www.cbu.uz	www.Xaqida.uz
www.uzreport.com	
www.Ziyo.uz	